



Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

<http://farhaqiqat.uz/>

t.me/farhaqiqati

2021 йил 2 март, сешанба

№ 18 (24511)

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг



Маҳаллий Кенгашларнинг
ҚЎШМА МАЖЛИСИ

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ САЙЛАНДИ

■ Фарғона шаҳридаги Истом Каримов номи Театр-концерт саройида халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда маҳаллий Кенгашларнинг 603 нафар депутатлари иштирок этиб, Фарғона вилояти бўйича бўшаб қолган икки ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайлаш масаласи кўриб чиқилди.



Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Баҳром Қўшқаров очди ва Сенат аъзоллигига бўладиган сайлов бўйича депутатларга зарурий тушунчалар берилди.

Қўшма мажлисга 48-Қумариқ сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати Раҳматилло Камолов раислик қилди.

Вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатларидан иборат маслаҳат кенгаши қўшма мажлис муҳокамасига 2-Мирзо Улугбек сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ҳамда 31-Қува сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати, вилоят "Она ва бола" скрининг маркази директори Манзура Салимова номзодини яширин овоз бериш учун бюллетенга киритишни таклиф қилди.

Яширин овоз бериш жараёни якунланиб, санок комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Унга кўра, 2-Мирзо Улугбек сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, 31-Қува сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати, вилоят "Она ва бола" скрининг маркази директори Манзура Салимова Олий Мажлис Сенати аъзолари этиб сайланди.

— Катта ишонч учун миннатдорчи-

лик билдираман. Бор кучим, ғайратим, билимим билан Фарғона вилоятига, халқимизга хизмат қилишга ваъда бераман. Халқимизда "Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас" деган мақол бор. Бирликда, ҳамжиҳатликда иш олиб борсак, вилоятимиз ахлини рози қиламиз, халқимиз олдида, давлатимиз раҳбари олдида юзимиз ёрғум бўлади, — деди Манзура Салимова.

— Мухтарам Президентимиз бир неча кун олдин Фарғонага таширфлари чоғида вилоятимиз учун катта марраларни белгилаб бердилар. Бундан келиб чиқиб, улкан мақсадларни режа қилганимиз. Худо хоҳласа, 2021 йил барча жабҳада Фарғона йили бўлади, — деди Хайрулло Бозоров.

Шу билан маҳаллий Кенгашларнинг қўшма мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўз мухбиримиз.
Шерзод ҚОРАБОВ
олган суратлар.

Вилоят ҳокими
ҚАБУЛИДА

НЕГА МУРОЖААТЧИЛАР СОНИ ТОБОРА ОРТИБ БОРМОҚДА?

Ҳар ҳафтанинг илк иш кuni вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров учун тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқотдан бошланаётгани қувонарли, албатта. Боиси вилоят "Тадбиркорлар уйи"да ойлар давомида ҳал бўлмай келаётган масала ва муаммоларга ижобий ечим топилиб, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аниқ даромад манбаига эга иш ўринлари яратиш имконияти пайдо бўлмоқда.



Суратларни Шерзод ҚОРАБОВ олган.

Хўш, вилоят ҳокими қабулига келувчи мурожаатчилар сони тобора ортиб бораётгани қандай изоҳлаш мумкин? Чунки мурожаат қилувчиларнинг маълум бир қисми вилоят раҳбарига такрор ва такрор юзланаётган бўлса, баъзи масалаларни маҳаллий ҳокимликлар, сектор раҳбарларининг иштирокида жойида ҳал этиш мумкин эди. Афсуски, айрим шаҳар-туманлар раҳбарлари томонидан тадбиркорларга нисбатан ҳали ҳамон "бор отанга — бор онанга" қабилида муносабатда бўлилаётгани сабабли улар сўнгги умид, ишонч сифатида вилоят ҳокимига қайта-қайта мурожаат қилишга мажбур бўлишяпти.

Утган ҳафта ҳам Хайрулло Бозоровнинг тадбиркорлар билан мурожаати ўн соатга чўзилган эди. Шу йилнинг 1 март кuni "Тадбиркорлар уйи" яна тўлиб-тошди. Албатта, мурожаатчилар орасида муаммоси ижобий ҳал бўлгани учун вилоят ҳокимига раҳмат айтишга келаётган ҳамюртларимиз ҳам бор. Учқўприк тумани ҳокимлиги ташаббуси билан бундан икки йил олдин Зокир

мурожаат этдик. Лекин бизга ер ажратилмапти. Ойлада бир неча ўғилмиз, бизга даромадли ва доимий иш керак. Ер ажратиб берилса, отам бошчилигида катта даромад берадиган узум боғи яратишимиз мумкин.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Нега Фарғона шаҳри, Олтиариқ ва Қува туманларидан бир гуруҳ тадбиркорлар, фермерлар вилоят ҳокимига қайта-қайта мурожаат қилишмоқда? Мисол учун, Қува туманидаги ўнлаб боғдорчилик фермер хўжаликлари раҳбарлари жорий йил бошидан буён Хайрулло Бозоров билан "Тадбиркорлар уйи"да уч ё тўрт мартаба учрашшди. Гап шундаки, ушбу фермер хўжаликлари Қува тумани ҳокимлиги мутасаддиларининг айби билан бир неча ойлاردан буён амалга оширмаган экспорти учун солиқ ва жарима тўлашга мажбурланмоқда.

Бу ҳақда "Фарғона ҳақиқати" газетасининг 2021 йил 9 февраль кунги сонидан "Қува тумани сектор раҳбарларидан қолган муаммоларни ким ҳал этади?" сарлавхали журналист суриштируви ҳам эълон қилинди. Аммо қувалик фермерлар муаммоси ҳамон ижобий ҳал этилгани йўқ.

— Бугун яна бир бор вилоят ҳокими қабулига келишга мажбур бўлдик, — дейди Қува туманидаги "Фар Мухтасар дунё" фермер хўжалиги раҳбари Қасрамон Хошимов. — Бу гал вилоят ҳокими бизнинг масаламиз ҳал этилишини шахсан ўзи назоратга олди. Ишонимизки, бир неча ойлاردан буён қувалик фермерларга бош оғриқ бўлиб келаётган бу муаммо яқин вақт ичида бартараф этилади.

Баҳорнинг илк куниде вилоят "Тадбиркорлар уйи"га келган ҳеч бир мурожаатчи эътибордан четда қолмади. Хайрулло Бозоров ҳар бир мурожаатчини батафсил эшитиб, бу борада муаммони ҳал этиш учун мутасадди идоралар раҳбарларига топириқлар, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида таклиф ва тавсияларини берди. Тадбиркорлар мурожаатлари билан ишлаш бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолишини таъкидлади.

Ботир МАДИЁРОВ.



“ОЛТИН ВОДИЙ” — Фарғона тадбиркорлари клуби

■ Фарғона шаҳридаги "Афросиёб" тантаналар мажмуасида вилоят тадбиркорлари ҳамда хорижий ҳамкорлар иштирокида ташкил этилган "Олтин водий" клубининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Илк учрашув 65 нафар маҳаллий ишбилармонлар ҳамда 32 нафар чет эллик сармоядорларнинг ўзаро ҳамкорлик доирасидаги мулоқотида айланди. Унда кўплаб бизнес лойиҳалари муҳокама қилинди.



Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров мазкур клуб вилоят тадбиркорларини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини жонлантириш, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларни янги bosқичга олиб чиқишини айтиб ўтди.

Таъкидланганидек, қаерда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун

шароит мавжуд бўлса, кенг имкониятлар яратилса, давлат томонидан қўллаб-қувватланса, бир тадбиркор иккинчи тадбиркорни бошлаб келади, уларда қаролатилган муҳитга ишонч пайдо бўлади. Мана шу ишонч мустаҳкамлаш учун "Олтин водий" тадбиркорлар клуби фаолияти йўлга қўйилди.

— "Олтин водий" клуби нодавлат нотижорат шаклида ишлайдиган

соҳадаги илғор тажрибаларини Фарғонага жалб этиш бўйича маслаҳатлашувлар бўлиб ўтади. Клуб фаолиятига ҳеч қандай давлат идоралари аралашмайди, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Мухсинхўжа Абдурахмонов.

Таъсис йиғилишида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров "Олтин водий"

олдилар. Эътиборлиси, эндиликда ҳар бир шаҳар ва туманда мазкур тузилманинг хорижий тилларни яқши биладиган, ўз бизнеси ва соҳасига эга вакиллари бўлади. Улар истиқболли лойиҳаларни излаб топади ва вилоят ҳокимига тақдим этиб боради. Клубнинг тадбиркорлик кўникмасига эга аъзоларига қўмақ берилади.

Фарғона вилояти ҳокимлиги.



ТАБИЙ ИПАК МАТОЛАР — ЭКСПОРТГА

Фарғона туманида ташкил этилган "Водил ипак йигирув" шўъба корхонаси томонидан Фарғона, Қува, Олтиариқ, Бағдод ва Бувайда туманлари негизда пиллачилик кластери ташкил этилди.

2020 йил якунларига кўра Хитой, Вьетнам, Ҳиндистон ва қўшни Тожикистонга 3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Кластер қошида атлас ва адрас, ипак гиламлар тўқиш цехлари барпо этилди. Бу борада олиб борилаётган изчил сазй-ҳаракатлар туфайли 100 та доимий ҳамда 3000 мингта мавсумий иш ўринлари яратилди.

— Ҳар мавсумда 13 минг қутидан зиёд ипак қурти уруғи тайёрланиб, йилгига 200 минг доллар миқдориде валюта тежалишига эришилмоқда, — дейди "Водил ипак йигирув" шўъба корхонаси раҳбари Улугбек Умрақов. — Шунингдек, 50 гектар ерда интенсив усулда тут плантацияси ташкил этиш орқали пиллачилик тармоғининг озуқа базаси янада мустаҳкамланди.

Ўз мухбиримиз.
Суратни Шерзод ҚОРАБОВ олган.

Нажот фаришталари

Эътироф

Риштон тумани "Янгийўл" МФЙ ҳудудида жойлашган 2-сонли вилоят юқумли касалликлар шифохонасида бугунги кунда 100 нафарга яқин "Covid-19"га гумонланувчилар даволанмоқда.

Шифохона фойесидаги миннатдорчилик мактубларини кўздан кечирдик. Саломатлик посбонларининг фидокорона меҳнати, кўрсатилаётган эътибор ва хизмат эътирофи эди бу мактублар.

Мана, ўша миннатдорлик мактубларидан айримлари: "Ушбу шифохонага 15 декабрь куни коронавирус ташхиси билан даволаниш учун Марғилон шаҳридан келдим... Ҳақиқий фидойи инсонлар борлигига ишонч ҳосил қилдим. Айниқса, биринчи кунидеъ тушунлиқдан чиқишимизга кўмаклашган, ширин сўзларини аямай, нафақат дори-дармон, балки меҳрли сўзлари билан қалбимизга илиқлик бахш этган шифокорларга чексиз миннатдорлик билдираман.

Шифохона ходимларига, айниқса, шундай шароитлар, дори-дармонлар, аппаратуралар учун Президентимизга ташаккур айтамиз".

(Моҳирахон ШОКИРОВА).

"Бугун юрагим тўла қувонч. Бу кунларга етиб келаганимиз йўқми, деган ҳадик ҳукмрон эди қалбимизда. Дастлаб "пешонада борини кўраверамиз" деб, шифохонага ётқирилишига қаршилик ҳам қилгандик. Ишонасизми, бизга фаришталардек кўринди бу ердаги шифокорлар.

Аллоҳга беадад шукр,

бугун соғ-саломатмиз, уйга қайтганимиз. Оқ кийимли, оқкўнгли фаришталарни бир-бир бағримизга босишга тайёриймиз. Барча шифокорлар, ҳамширалар ва бошқа ходимларга бошимиз ерга теггунча таъзимдаммиз".

(Охунжон ва Ҳикоятхон ТЕШАБОВЕВЛАР).

"Биз, Риштон туман "Covid-19" марказидаги С

Ўз мухбиримиз.

“Covid-19” БИЛАН БОҒЛИҚ ФИРИБГАРЛИК ҲОЛАТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Таҳлилларнинг кўрсатишича, кейинги кунларда дунёнинг бир неча мамлакатларида "Covid-19"нинг сохта вакциналарини сотадиган жиноий гуруҳлар пайдо бўлиб, эмлаш билан боғлиқ фирибгарликлар қайд этилмоқда.

АҚШда 2020 йилнинг якунига қадар федерал ҳукуқни муҳофаза қилиш идораларига коронавирус пандемияси билан боғлиқ ўн минглаб шикоятлар келиб тушиб, фирибгарлик ҳолатлари бўйича 100 дан ортиқ суд иши олиб борилды.

Хусусан, АҚШнинг Мериленд штатида фирибгарлар сохта веб-сайтлар очиб, "Covid-19"ни даволаш учун дори ишлаб чиқарувчи компанияларнинг ёрликларидан фойдаланган ҳолда муржаат этган шахсларнинг шахсий маълумотларини қўлга киритган. Айова штатида кекса ёшдаги одамларга вакцина олиш учун навбат кутиш жойида бўлишига кафолат берадиган чипталар сотиш билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари аниқланди.

АҚШда фуқароларга умид бахш этиши мумкин бўлган вакциналардан фойдаланиш билан боғлиқ фирибгарликларнинг кўпайиб кетиши натижасида бир қатор ташаббуслар илгари сурилди. Мисол учун, Нью-Йорк губернатори Э. Куомо ушбу соҳадаги қонунийликни такомиллаштириш лозимлигини қайд этиб, бундай ҳолатлар учун 1 млн. долларгача жаримага тортиш ваколатини берувчи қонун лойиҳаларини тақлиф этмоқда.

Айни жараёнда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура

тураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Фарғона вилоят бошқармаси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда сифатсиз ёхуд қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббиёт бўмларини муомалага киритиш, психотроп дори воситаларининг ноқонуний савдоси билан боғлиқ 46 та жиноят қош этилди.

Шунингдек, вирусли касалликларни даволашда ишлатиладиган ва бирламчи дори-дармон воситаларининг нархи асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш бўйича 1167 та дорихоналар, дори-дармон воситалари ва тиббий бўюмларнинг улгуржи савдоси билан шугулланувчи 43 та тадбиркорлик субъектлари ўртасида профилактик сўхбатлар ўтказилди.

Назорат тадбирларида дори-дармон воситаларини қиммат нархда сотилиши билан боғлиқ 163 та ҳолат аниқланиб, 158 та дорихоналар раҳбарлари билан профилактик сўхбат ўтказилди. Департамент органлари томонидан қонунчиликни такомиллаштириш лозимлигини қайд этиб, бундай ҳолатлар учун 1 млн. долларгача жаримага тортиш ваколатини берувчи қонун лойиҳаларини тақлиф этмоқда.

Ўзбекистон чемпиони



Уч кун давомида Фарғона шаҳри мезбонлик қилган кураш бўйича қатталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида республикамизнинг барча ҳудудларидан келган кучли полвонлар 15 та вазн тоифасида ўзаро куч синашди.


КУЧЛИЛАР ФАРҒОНАДА САРАЛАНДИ

Мусобақанинг сўнгги кўнида оғир вазини иштирокчилар гиламга чиқишди. Аёллар ўртасида 87 кг вазн тоифасида Сурхондарё вилояти вакиласи Юлдуз Мухаммадиева хоразмлик Раҳимхон Йўлдошевани "халол" баҳоси билан мағлубияти учратди. 87 кг. дан юқори вазн

олишди. Чемпионат ғолиблари тантанали тақдирланди. Кучли ўқликдан жой олган спортчиларга медал, диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, муسابакада фаоллик кўрсатган бир гуруҳ спортчилар ва ҳакамлар Ўзбекистон Кураш федерациясининг мукофотларига сазовор бўлишди.

Азизбек ПЎЛАТОВ, Фарғона вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бўлими бошлиғи.

Фарғона ҳақиқати



Ростини айтсак, кўпчилик мақом нима, "Шашмақом" қанақа асар эканлиги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас. Муסיқали спектаклни мириқиб томоша қилдим ва шундай бебаҳо миллий санъатимиз борлигидан фахрландим, — дейди Фарғона политехника институтини ешлар билан ишлаш бўйича проректори Илҳомбек Холиддинов.

Олийгоҳда талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида душанба — музейлар ва зиёратгоҳлар, сешанба — кино, пайшанба — спорт, жума — театр кунини деб белгиланган. Ёшлар маънавиятини бойитишга қаратилган бу эзгу ташаббус кенг қанот ёйса, яхши бўларди.

— Ҳафтанинг жума кунлари келаверинг, олийгоҳимиз маданият уйида спектакль томоша қилиб кетасиз, — дейди Илҳомбек.

Марғилоннинг марказий кўчаларидан бирида қад ростилаган муסיқали мақом театри бисносига кириб келишининг билан илқ ва самимий мулоқот, қизгин ижод жараёнига гувоҳ бўласиз: актёрлар ва режиссёрлар ўртасидаги баҳс-мунозара, сахнада у ёқдан-бу ёққа ҳаракатланаётган раққосалар, бошқа хонада давра қуриб ўтирганча мумтоз кўшиқни берилиб қўйлаётган хонандалар турли муסיқа асбобларидан таралаётган дилтортар куйлар...

— Бир неча спектаклларни сахналаштирганмиз, янгилари устиди иш олиб бормоқдамиз, — дейди биз билан сўхбатда театр директори Таваккал Султонов. — Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Маданият вазирлиги томонидан эълон қилинган "Мақом сеҳри" телевизион кўрик-танловига қизгин тайёргарлик олиб боришмоқда. Танлов март-апрель ойларида бўлиб ўтди. Унда жамоани аъзолари билан бирга, 14 ёшгача қадамчи ўқувчилар ҳам иштирок этди. Бу йил таваллудининг 580 йиллиги кенг нишонланаётган буюк мутафаккиримиз Алишер На-

“АЪЛО ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” КЎКРАК НИШОНИ СОҲИБИ

Меҳнат фаолиятини Тошқоқ тумани давлат солиқ инспекцияси суриштирувчиси лавозимидеъ бошлаган Дилшод Ҳакимов Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил топганидан буён вилоят бошқармасида турли вазифаларда самарали ишлаб келмоқда.

Ташкиллар, тезкор тадбир ва суриштирувлар давомида қонун бузилишларини аниқлаш ва қош этишда алоҳида жонбозлик кўрсатаяпти. Унинг ҳаммасблари билан биргаликда яшрин иқтисодиётни, солиқ ва валютасоҳасида жиноий қилмишларни қош этиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларни бартараф қилиш борасидаги фаолияти муносиб тақдирланган. "Шуҳрат" медалига сазовор бўлган Д. Ҳакимов Президентимиз ташаббуси ва раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар жараёнида қабул қилинаётган қарор ва фармонлар, такомиллаштирилаётган қонунларни ўрганиб, фаолиятида оғишмай амал қилади.

Д.Ҳакимов бошчилигидаги суриштирув бўлими ходимлари томонидан ҳалол фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муаммоларини ҳал этишда ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Шунинг баробарида билимсизлиги туфайли ёки бида туриб белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмай, рухсатнома олмай ишлаб чиқариш, савдо-хизмат кўрсатиш билан машғул тадбиркорларнинг фаолиятига қонуний тўс беришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Хизмат вазифасини сидқидилдан, садоқат билан бажараётган ходимлар қаторида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Фарғона вилояти бошқармаси суриштирув бўлими бошлиғи Дилшод Ҳакимов "Аъло хизматлари учун" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Абдуҷаббор МУҲАМЕДАЛИЕВ.

Муסיқали мақом театри:

ЎЗ НУФУЗИ, ТОМОШАБИНЛАРИГА ЭГА БЎЛАДИ

■ Фарғона политехника институтида талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун "Шашмақом" спектакли намойиш этилди. Томошабинлар спектаклни берилиб қузатишар, уларнинг нигоҳларида бу уйғун санъатнинг сеҳри, жозибаси акс этиб турарди...



войи асарлари бўйича кўрик-танлов, Марғилонда ўтадиган "Буюк ипак йўли" халқаро фольклор муסיқа фестивали, Ўққонда бўладиган Халқаро хунармандчилик фестивали каби тадбирларга ҳам тарафдуд қўряпмиз.

— "Навоий", "Шашмақом", "Муҳаббат бўстони", "Муно-жот" каби спектаклларни сахналаштириб, томоша-бинлар эътиборига тақдим этмоқдамиз, — дейди театр бош маъмури Маҳкамжон Усмонов. — Муסיқали мақом театрида фаолият олиб бораётган хонандалар Азизжон Абдуазимов ва Улуғбек Элмуродзода 2019 йили (улар ўша пайтда мақом ансамблида ишлашарди) Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" халқаро муסיқа фестивали танловида учинчи ўринни қўлга киритишган. Бу иктидор эгалари — жамоанинг фаҳри.

Мақом спектакли — ўх-шаш йўқ ноёб, янги жанр ҳисобланади. Тўғри, Тожикистондаги мақом ансамблида рақс орқали, Шинжон (Хитой)да эса монолоғлар



рини ўзлаштириб олишган, мумтоз кўшиқларни ўзларича хиргойи қилиб юришади. Театрда кичик-кичик роллар ижро этишга улгуришди.

— Бизни хурсанд қилаётгани — мақом спектаклларини томошабинлар яхши қабул қияпти, ҳар бир сеансда қарсағу олқишлар гувоҳи бўляпмиз. Демак, меҳнатларимиз зое кетмаёпти, — дейди Таваккал Султонов. — Иш бор жойда, албатта, камчиликлар, муаммолар ҳам бўлади. Ҳаммага аён: томошабин орасидаги нуфузини оширади, оригинал жанр эканлигидан тадқиқот объектига айланади.

Мақомчилар гуруҳи машқ қилаётган хонанинг бир четида ўйнаб ўтирган болақай эътиборимизни тортди. — Ёш фарзандим тарбияси билан машғул бўлсам-да, ижоддан йироқлашганини истамдим, ишга қайтдим, — дейди созанда Шоира Назарова. — Уч фарзандимиз ҳам турли тадбирлар, театр сахналарида катта бўлишяпти. Мақом усулла-

қўмаклашмоқда.

Мақом театрида яна бир жиҳат: аскиячиликни ривожлантириш, сюжетли аскияни сахнага олиб чиқиш, такомиллаштиришга ҳам қўл урилмоқда. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Муҳаммадсиддиқ Шераев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳотамжон Ҳакимжоновлар фаолият олиб боришмоқда.

— Ижод — мураккаб жараён. Театр жамоасига ёш кадрлар, санъат соҳасида таҳсил олаётган талабаларнинг келиши катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали билан ҳамкорлик шартномаси имзоланган. Бугунги кунда мазкур бўлимининг 12 нафар битирувчи талаба-



лари ўқишдан ажралмаган ҳолда театрда амалиёт ўтаб, спектаклларда роллар ижро этишмоқда, — дейди актёр Адҳам Қирғизбоев.

— Албатта, ҳар қандай натижа учун меҳнат, изланиш керак. Умид қиламанки, йиллар ўтиб, мақом театри ўз нуфузи, томошабинларига эга бўлади. Театр, кинога нисбатан фикр ҳам ўзгариб бориши табиий. Мана, юртимиз кундан-кун гўзаллашиб, янгилашиб бормоқда, одамларимиз маданий ҳордиқ олиш, санъатни қадрлашга интилишмоқда, — дейди вилоят Маданият бошқармаси бошлиғи Баҳодир Султонов. — Муаммо ва камчиликларни секин-аста бартараф этиб бормоқдамиз. Бир жиҳат бизни ўйлантиради: спектакллар мундарижаси ва мазмунининг бойишида мақом театри учун асарлар ёзувчи драматурглар, адабий эмақдошлар керак. Бундай ижодкорларни қучоқ очиб қутиб оламиз.

Ҳаётжон БОЙБОБОВ.

«ИШ ИЗЛАБ ХОРИЖГА БОРМАЙМАН»

Олтиариқ туманидаги "Мафтуна фазл кўрки" узумчилик кластери аъзоси Одиложон Нўмонов 50 сотих майдонда тоқзор ташкил қилган. Айни кунда 1000 тудан ортиқ "келин бармоқ", "мерседес" навли узумлар экилган.

Кўчатлар оралиғига биринчи ҳосил тариқасида 5 минг түп "манғус" навли эртаги қарам қўчати, қартошқа уруғлари қадалди. Соҳибкорнинг ҳисоб-китобича, қарам қўчатлари кирқ кунда этилади. Унинг бир донаси ўрта ҳисобда 2 минг сўмдан баҳоланса, илк ҳосилдан қўтиляётган даромад салмоғи 10 миллион сўмдан ошади.

— Деҳқончилик ҳалол меҳнат, сабр-бардош билан иш олиб боришни тақозо этади, — дейди боғбон қўчатларга сув тараш асносида. — Кўнлар илиши билан хорижга иш излаб кетардик. Ўзга юрда, ноқулай шароитларда ишлаб бйримиз икки бўлмади. Утган йили кластер ҳўжалиғига аъзо бўлдим. Айни кунда эртанги сабзавот маҳсулотлари етиштиришга эътибор берапмиз. Мавсумда уч-тўрт марта ҳосил олиб, 50-60 миллион сўмдан ортиқ даромад топа-миз.

Расулжон КАМОЛОВ. Шерзод ҚОРАБОВ олган суратлар.



ЭЪЛОНЛАР

Фарғона тумани 11-ўрта таълим мактабини 2012-2013 ўқув йилида тамомлаган Тоҳидинов Элёржон Равшанбек ўғли номига берилган U 6177497 рақамли шаҳодатнома йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Марғилон педагогика коллежини 2019 йилда тамомлаган Турсунова Мафтуна Ваҳобжон қизи номига берилган K 5652702 рақамли диплом йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар, Тарона қўчаси, 15-уй, 2-хонадонда жойлашган "Anas prime house" МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар 30-ўрта таълим мактабини 2006-2007 ўқув йилида тамомлаган Солиев Акражон Алиевич номига берилган U 2409274 рақамли шаҳодатнома йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар 13-ўрта таълим мактабини 2007-2008 ўқув йилида тамомлаган Қобулов Рашидбек Саётжон ўғли номига берилган U 3035247 рақамли шаҳодатнома йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Марғилон шаҳар, Бурҳониддин Марғиновий қўчаси, 217-ўйда жойлашган "Zahro Zulpnara grand" оилавий қорхонаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона вилояти 1-аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини 2014 йилда тамомлаган Годфоров Асроржон Ғуломжон ўғли номига берилган U 6695065 рақамли шаҳодатнома йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Иқтидорлар

МАСКАНИ



Мулоҳаза

ЭҲТИЁТ
БЎЛИНГ,

Яқинда синфдошларим қандайдир қўшиққа рақсга тушаётганини кўриб, хайрон бўлдим. Нима қилаётганларини сўрасам, "буни "Тик ток"ка қўямиз, кейин "звезда" бўлиб кетамиз", деб хандон отиб қулишди. Яна бир синфдошим танаффус пайтида синф доскасини тепиб туширди. Уни тасвирга олган эса, "Ана, ўртоқ, яна тренда бўласан" дея мағрурланди. Тўғриси, бу жараёндан хайратда эдим. Бойси, тadbирларга зўр-базўр иштирок этадиган дўстларимнинг шундай "қобилиятлари" борлигини энди кўрдим, — дейди жияним Маржона Толибова.

Қизиқ, бу ўзи қандай тармоқ? Бугун атайлаб тасқара қиёфага кириб, беўхшов қилиқлар қилиб, омма эътиборини тортиш "Тик ток"да тренда айланиб улгурди.

Ододсизлик, кишининг ҳаиятини ўлдирувчи видеолар тарғиботидан пул ишлаб топишга интилаётган "ахли тик ток" энди "лайк" ёки "просмотр" сонини ошириш учун ўз ақинларини ноқулай ҳолатларда қолдиришиб, машҳур бўлиш илинжида ўзигидан ҳам воз кечмоқда.

Безоргина оҳангда "биз ушбу видеолар орқали кишиларнинг кайфиятини кўтариш учун ҳаракат қиляпмиз, холос", деб умрида қўлига китоб тутмаган ижтимоий тармоқ "машҳурлари" кўндан-кўнга тўтурсизлиқни авжига қикаришмоқда.

ОНАЛАРИ
"ҲИМОЯСИ"ДАГИ
ТИКТОКЕРЛАР

Қунига 500 миллион одам инстаграмдан фойдаланса, 800 миллиондан ортиқ обунига эга бўлган "Тик ток" бутун дунёни эгалламоқда. Баъзи мамалакатлар ушбу тармоққа маълум бир таққиларни қўйди. Бироқ бизда аҳвол, ўша-ўша!

Энг ёш тиктокерлардан бири Хусниддин бўлиб, унинг ҳар бир видеосига 600 мингдан ортиқ инсонларнинг назари тушади. «Тик ток» орқали дунёга танилмиши истамокчи бўлган андижонлик боланинг онасига барча видеолари ёқиб, уни қўллаб-қувватлайди. Аранг 11-синфини тугатган бола нима сабабдан машҳурликка эришишга ташна экан? Тўғри, уларнинг видеолари кайфиятни кўтариш учун жойланган. Аммо, баъканалик ортидан олинган раббатнинг умри ҳам қисқа бўлади.

ТРЕНД,
БУ – ТРЕНД

— "MY5" телеканали орқали эфирга узатилган "Амиров Умаров шоуси"га кўзим тушиб қолди. "Интернетда шовқин кўтарганлар 5" деб номланган кўрсатувда ўзимизнинг фарғоналик ёшлар иштирок этаётганидан уялдим. Нигина исмли қиз ҳам қатнашди. Кўрсатув тамом бўлмагунча оғзидан "жвачка"сини ташламади. У ўзининг аҳмоқона рақсларини "Тренд, бу – тренд" дея изохлади. Беш тили билан, мен таржимонман дея мақтаётган 17 ёшли қизни интернет тармоғида 625 минг одам қузатаркан. Айниқса, унинг "Қўча болалари билан юраман" деган сўзлари жуда эриш туюлди. Мактабда ўқийдиган икки ўғлимнинг телефонида бу дастурни ўчириб ташладим. Алишер Навоийнинг "Хамса" асарини ўқишларини маслаҳат бердим. "Тик ток" эмас, бу асар маънавий озуқа беришни тушунтирдим, — дейди Риштон туманидаги 33-ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Одина Ниёзова.

Сизчи, Одина Ниёзова ўрнида бўлганингизда нима қилар эдингиз?

Шоҳсанам
ЭШМАТОВА.Ижод мактаби –
маънавият академиясиЭркин Воҳидов номидаги истеъдодли
ёшлар мактаб-интернати фаолиятиданДиёра
БАДИРДИНОВА,
10-синф
ўқувчиси.Бир олам
яралди...

Бир олам яралди осмондек кенг ва Коинотдан катта, юлдузлар бисёр. Ошиқлари ажиб, кўзларида ишқ, Юмуши ҳажр-у сўзлари изҳор.

Излашар яқунни, кезиб очунни, Лайлилар келади, Мажнунлари йўқ. Чунки ишқ дунёси ошиқлари-чун, Висол бегонадир, фироқ эрур чўғ.

Илоҳий ишқларга йўғрилган дунё, Сўз қудрати ила гўзал бу лаҳза. Унинг муаллифи Навоий эрур, Очун номи эса аталур «Хамса».

Нилуфар
ЭРГАШЕВА,
9-синф
ўқувчиси.

Ватанимга

Мени кечир, офтоб еган бу елкангдан, Кетмонингни олмоққа ҳеч етмас кучим. Розимисан эзгуликнинг кетмонини, Елкадамас, кўкда тутсам сенинг учун.

Шоир бўлгум сени алқаш учун эмас, Хушомадгўй мисралардан сиқувдаман. Ватан, сенга баландпарвоз гап-сўзлардан, Бир гард юкиб қолишдан кўрқувдаман.

Сен чорлагин боғларингга кетаётиб, Дарёларни элтиб берай сугоргани. Бугун шахдам қадам ташлаб борар қизинг, Товонингдан тиканларни сугургани.

Ғам кўрмаган бахт исмли шаҳарчадан, Бахт чечаклар териб келай сенга, юртим!



2018 йилда ташкил этилган Эркин Воҳидов номидаги она тили ва адабиёт, хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда 134 нафар ўқувчилар тарбияланмоқда. 11 та ўқув хонаси, 14 ўринли ахборот технологиялари зали, 3000 дан ортиқ китоблар жамланган кутубхона ёш ижодкорлар ихтиёрида. 90 ўринли ошхона, 140 ўринли ётоқхонада замонавий шароитлар яратилган. 63 нафар педагог ва тарбиячилар ўқувчиларнинг барча фанлардан пухта билим олишлари, айниқса, она тили ва адабиёт, хорижий тилларни мукаммал ўрганишларига ҳам ижодий ёндашадилар.

Ҳожиакбар
ЗИЙНАТШОЕВ,
9-синф ўқувчиси.

Мен баҳорман!

Мен баҳорман! Кўксимда баҳорий чечаклар унган, Эгнимда гуллайди эзгулик, чаман. Юрагим жуда ҳам улугвор, ўктам, Тупроғим ҳаётбахш, уни севаман.

Мен баҳорман! Хаттоки тошдан ҳам ниҳол ўстириб, Булутлар кўздан томчилатиб ёш, Музлаган жилғалар чиқар отилиб, Нурли тафтилари ҳам мен учун куёш.

Мен баҳорман! Яхшилик исмининг эгизи бўлган, Дилни гуллатади ҳар битта оним, Бетакрор ва жўшқин қўшиқларимни Жўр бўлиб айтади Ўзбекистоним.

Сарвиноз
ИКРОМОВА,
10-синф
ўқувчиси.

Мураббо

Қўшнисининг уйига, Кириб келди Собиржон: –Мураббо бериб турунг, Ойим ахволи ёмон.

Уч кундирки оймимнинг Томоғи қаттиқ огрир. Дори ичиб кўрдилар, Тузалмади барибир.

–Идиш олиб чиқмабсан, У бўлмаса нетаман? –Оввора бўлманг, хола, Ейман-у сўнг кетаман.

Дилназов Қўлдошева.

Эсингиздами, дада?

Кенг дала, эстаги осмонга туташ, Сиз кетмон чопасиз, чой дамлаш менга. Эҳтимол, бир умр топмасам керак, Бахтга қоришилган шу дамлар тенгин.

Қандай сабаб билан ёдимда йўқ-ку, Радио қўлғини бурайман...тигрок... Биз исмини билмас нотаниш ҳофиз «Ўзбегим» қўшиғин айтар эзгинрок.

Фақат шундагина сукутда дала, Хатто мен-да жимман, ҳеч тинчимас қиз. Яхши англаганим. Дада, кетмонга Фақат шундагина уйчан боқкансиз.

Қўнғилга туташган қўшиқ тинмайди, Бир талай аллома исминни айтиб. Сиз бўлиб тинглайсиз «Ўзбегим»ни сиз... Бу мискин ҳолатни кўрмадим қайтиб.

Асл шеър қўнғилга қуйилиб қирар, Қўтара олмас бас унинг юкини Қачонки дунёлар кашф этилади, Ўзбек англаганда ўзбеклигини.

У яна
қайтади,
қайтганда
баҳор

Илк бора кўргани бойчечак бўлди, Тинглагани эса унинг эртаги. У ҳаётни фақат баҳор деб билди, Аммо эртақ эди юрагидеги.

Шодон қўшиқ айтар ёнида гуллар, Дунёсида йўқдай бахтлироқ ундан. Эртасига ҳаво айнаиши билан, Асар ҳам қолмади бирорта гулдан.

У илк бор айрилиқ таъмини тоғди, Дарахтдан йиқилди мевалар бир-бир. У йиғлаб аланглар турфа томонга, Эртанинг бу жойи йўқ эди ахир.

Қўзини чанг босган, юзи шалаббо, Дарддан вужуд, жони сарғаяр ғамгин. Қичқирар дўстлари ётган ер томон, Бойчечак, қайдасан ёлғончи кампир?

Наҳот сифдирмаса шу қари дарахт, Митти япроқларнинг митти жусасин. Унинг эртагида қуздан йўқ нишон, Унинг эртагида ҳамма яшасин.

Ёлғон эмас эди бойчечак сўзи, Қари эртақчининг айтганлари чин. У яна қайтади, қайтганда баҳор, Эртанинг давомин эшитмоқ учун!

Муаттар
МАМАТКАРИМОВА,
11-синф ўқувчиси.Исмоилжон
ОДИЛОВ,
11-синф
ўқувчиси.

	МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ	Бош муҳаррир: Мухаммадҷон ОБИДОВ	Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.	Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.
	Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.ferghana.uz	Газетадан материал қўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.	Газета таҳририятга юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.	Босишга топишириш вақти: 20.00. Топирилади: 20.00.	Буюртма: 137 Индекс: 7521 Адади: 10 918
	Газета сешанба ва жума кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Навбатчи муҳаррир Расулжон Камолов. Газета сифати учун босмахона масъул.				

